

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2024

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобоҷонова Дијором Бобоҷонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Ҳуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзРФА Тарих институти

Аззамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзРФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университете

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульяева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлек
хужалигини механизациялаши
муҳандислари институти
Миллий таддикот университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат эсаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Карши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университете

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университете

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боҳодир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қарши давлат университете

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университете

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозогистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институты

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институты

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университете

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмайлова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Дагестан мустақил университете

Иноятова Дилярам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулкин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз ғалам педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети


Page Maker | Верстка | Сайфаловчи: @tadqiqotdesign

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Шоҳистаҳон Улжаева ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ТАРИХИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	4
2. Олтинои Масалиева БУХОРО ХОНЛИГИДА ДЕВОН ТИЗИМИ.....	12
3. Bahodir Isakov O'ZBEKISTONDAGI QOZOQ XALQI TARIXIGA NAZAR.....	17
4. Умурзок Алибеков, И smoилжон Райимжонов, Азиза Умарова УСТРУШОНАНИНГ ТАБИЙ РЕСРУСЛАРИ ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ХУСУСИДА.....	23
5. Умурзок Алибеков, И smoилжон Райимжонов, Азиза Умарова ТУРКИСТОН, МОЛОГУЗАР ТОҒ ТИЗИМЛАРИ ВА МИРЗА ЧЎЛДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ХУСУСИДА.....	31
6. Рўзибек Бабаев УСТРУШОНАНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	36
7. Одил Зарипов БУХОРО АМИРЛИГИДА ПУЛ-МОЛИЯ СИЁСАТИ (1757 – 1868).....	46
8. Dilobar Nazarova O'ZBEKISTON-CHEXIYA XALQARO ARXEOLOGIK EKSPEDITSIYASINING SHIMOLIY BAQTRIYA (SURXONDARYO) BRONZA DAVRI YODGORLIKLARINING O'RGANISHDAGI O'RNI.....	58
9. Сайдхон Сайдолимов, Козимхон Сайдуллаев АБАДИЯТ ТЕПАЛИГИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНЛИК БАҲОДИРЛАРИ.....	64
10. Ибрагимжан Ташматов ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК.....	71
11. Феруза Хайитова ЗИЁРАТ, ЗИЁРАТГОҲ ВА ҚАДАМЖОЙЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ).....	79
12. Бахтиёр Юлдашев ТОШКЕНТ – ОРЕНБУРГ ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТГАН ОМИЛЛАР.....	86



Шоҳистаҳон Мамажоновна Улҷаева,
тариҳ фанлари доктори, профессор
Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш мухандислари
институти, Миллий тадқиқот университети

ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИДА ДАВЛАТ ВА ХУҚУҚ ТАРИХИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

For citation: Shohistahon M. Uljaeva. SOME REFLECTIONS ON THE HISTORY OF THE STATE AND LAW IN THE EMPIRE OF THE TEMURIIDS. Look to the past. 2024, vol. 7, issue 5, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.000000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Амир Темур салтанатидаги давлат ва хуқуқ масалалари таҳлил қилинган. Унда қозиликлар, асаслар, додхоҳ, ясоқий, сарбоз, посbon ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи мансаблар ва ташкилотлар таҳлил қилинган.

Амир Темур давлатида қозиликлар - шариат, фуқаролик, ҳарбий қозиликларига бўлинган. Тошу тарозилар, аҳлоқий гуноҳлар учун жазони ижро этувчи кишилар ихтисоб аҳли деб юритилган, уларга муҳтасиб бошчилик қилган.

Мақолада Амир Темурнинг бу соҳага берган эътибори, хуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг давлатчиликдаги ўрни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Амир Темур, хуқуқ, давлатчилик, мансаб, унвон, жиноят, жазо.

Шоҳистаҳон Мамаджоновна Ульҷаева,

доктор исторических наук, профессор- Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства Национального исследовательского университета

НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИЙ ОБ ИСТОРИИ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА В ИМПЕРИИ ТЕМУРИДОВ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются вопросы государства и права в период правления Амира Темура. Анализируются позиции и организации судей, асов, додхоха, ясоки, солдат, охранников и других правоохранительных организаций.

В государстве Амира Темура судьи делились на шариатских, гражданских и военных судей. Каменные весы, люди, осуществляющие наказания за моральные грехи, назывались людьми ихтисаба, а возглавлял их муҳтасиб.

В статье анализируется внимание Амира Темура к этой сфере, роль правоохранительных организаций в государственности.

Ключевые слова: Амир Темур, закон, государственность, карьера, титул, преступление, наказание.

Shohistahon M. Uljaeva,
Doctor of Historical Sciences, Professor
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization
Engineers of the National Research University

SOME REFLECTIONS ON THE HISTORY OF THE STATE AND LAW IN THE EMPIRE OF THE TEMURIIDS

ABSTRACT

The article analyzes the issues of state and law in the reign of Amir Temur.

It analyzes the positions and organizations of judges, asas, dodkhoh, yasoqi, soldier, guard and other law enforcement agencies.

In the state of Amir Temur, judges were divided into sharia, civil, and military judges. People who carry out punishments for moral sins, scales, and scales were called people of ikhtisab, and they were headed by mukhtasib.

The article analyzes Amir Temur's attention to this field, the role of law enforcement organizations in statehood.

Index Terms: Amir Temur, law, statehood, career, title, crime, punishment.

1. Долзарбилиги:

Ушбу мавзуни атрофлича ўрганиш иккинчи Ренессанс тамойилларини ҳаётга тадбиқ этишда асос бўлиб хизмат қилган давлат ва хуқуқ тарихини тўлароқ англаб етишимизда асос бўлиб хизмат қиласди.

Зеро Амир Темур ўз даврида ихчам, натижадор ва самарали давлат бошқарув асосларини яратган бўлиб, улар сирасига хуқуқ соҳаси ҳам киради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид маълумотларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилган.

Амир Темур ва Темурийлар салтанатидаги давлат ва хуқуқ мутаносиблиги тарихи қисман таҳлил қилинган. Хорижлик олимлардан Л. Керен[1], Б. Манц[2] каби олимлар ҳам Амир Темур ва Темурийлар давридаги давлат ва хуқуқ масаласига тўхталиб ўтган.

Ўзбекистонда ҳам ушбу масалага Б. Аҳмедов[3] Азамат Зиё[4], Х. Маматов[5], Ш. Ўлжаева[6] ва бошқалар ҳам қисман тўхталиб ўтганлар.

Мавзу бугунга қадар атрофлича ёритилмаган ва соҳа тарихини ўрганиш бугунги кунда долзар масалалардан бири ҳисобланади.

3. Тадқиқот натижалари:

Азамат Зиё "Ҳарбий суд (лашкар қозиси) эса алоҳида равишда фаолият кўрсатган. Шариат тартиблари билан эса ислом қозиси шуғулланган»[7], деган фикрларни илгари сурган.

Б. Аҳмедов фикрига асосан, дунёвий масалалар билан шуғулланувчи қозилар "аҳдос қозиси" деб номланган. Шариат ишлари билан шуғулланувчи қозилар "шариат қозиси", сипохийлар ўртасидаги келишмовчилик ва тортишувларни ҳал этувчи қози "қози аскар" деб айтган[8].

Бу қозиликларнинг ҳар бирига аниқ ва алоҳида вазифалар изчил белгилаб берилган.

Амир Темур салтанати хукуқ-тартиботини ўрганар эканмиз, бу соҳада кўплаб мансабдорлар фаолият юритганлиги, уларнинг ҳар қайсиси ўзининг аниқ вазифаларига эга бўлганлиги ҳақида маълумотларга эга бўламиз. Шулардан бири асаслардир[9]. Улар тунда фуқароларнинг тинчлик-хотиржамлигини сақлашга масъул бўлганлар.

Ҳар бир шаҳарда раият ва зироатни қўриқловчи қурчилар ҳам тайинланган[10].

Фуқаролардан тушган арз-додларни қабул қиласидиган ва маъмуриятга етказадиган мансабдор додхο [11] деб аталган.

Солиқ йиғувчи, ясони амалга оширувчи мансабдор ясоқий бўлиб, улар сарбоз[12] деб ҳам аталган. Солиқ йиғишишлари улардан тадбиркорлик ва адолат билан иш тутиш, халқ ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришни талаб этган.

"Полиция" маҳкамаси ясағлиқ[13] деб аталган. Улар давлат ичидаги тартиб-интизомни сақлашга масъул, жамоат тартибини бузган кишиларни текшириш, сўроқ қилиш ва жазолаш ваколатларига эга бўлганлар.

Тунги соқчилар пос (ёки посбон)[14] деб аталган. Улар тунда фуқароларнинг тинчини сақлашга масъул бўлишган. Биз юқорида асаслар, ясағлиқ ва бошқа мансаблар ҳақида маълумот бергандик. Бу маълумотлар хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар турли-туман бўлганини ва уларнинг маълум вазифаси мавжудлигини кўрсатади.

Асаслар эса кеча қоровуллари, қидибув ишлари бошликлари бўлиб, ўз ходимлари – посбонлар билан маълум ҳудудларга бўлинниб, фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш ва жиноят ишларини очишда муҳим ўрин тутгандар.

Шариат асосида ижтимоий таркибни назорат қилиш ва маънавий хатоларнинг олдини олишга мўлжалланган таркиб муҳтасиблар деб аталган. Улар бозорлардаги тош-у тарозилардан уриш ҳамда бошқа хукуқбузарликларнинг олдини олганлар ва ўз вазифаларидан келиб чиқиб жазо тайинлагандар.

Ички ишлар органлари мансабдорлари ясағлиқ деб аталган ва улар давлат ва жамиятнинг тинчлигини сақлашга масъул бўлиб, жиноятларни очишда муҳим аҳамият касб этган.

Хукуқни муҳофаза этувчи таркиблардан бири шихналар деб аталган ва улар ҳарбий маъмурлар бўлиб, шаҳарлардаги тинчликни сақлашга масъул бўлганлар.

Амир Темур даврида кўрчи деб аталган мансабдорлар давлатнинг қурол-яроғларини авайлаб-асраганлар, уларнинг қаерга ва нима учун ишлатилаётганлигини назорат қилганлар ва подшоҳ саройини қўриқлаганлар. Юқоридаги далилларга таяниб, Амир Темур даврида хукуқни муҳофаза этувчи органлар ихтисослашган, деган хulosага келиш мумкин. Улар кундузги, тунги ҳамда фуқаролик, шаръий ва ҳарбий бўлинмаларга ажратилган. Шунингдек, ҳар бир хукуқни муҳофаза этувчи органларнинг фаолиятлари тезлик билан салтанат марказига етказилган. Давлат сири билан боғлиқ масалалар махфий кенгашларда, бошқа масалалар саройнинг очиқ кенгашларида кўриб чиқилган ҳамда юзага келган хукуқбузарликларга нисбатан чора-тадбирлар кўлланилган.

«Тузуклар»да маъмурий тизим борасида ҳам жуда кўп қоидалар учрайди. Жумладан, Соҳибқирон ҳокимлар ҳар кимнинг тухмат гапларига кириб, аҳолига жарима солишларини таъкиқлайди.

“Агар оддий жангчилар ўз ҳаддидан ошиб, зулм-у ситамга қўл урсалар, уни мазлум қўлига берсинглар, токи адолат қарор топсин. Оқсоқол бошликлар агар майда раиятга зулм этар бўлсалар, қудрат ва йўриғига қараб жарима олсинлар.

Ҳоким ва доруға агар раиятни ҳароб этгудай бўлсалар, уларни ҳам ҳароб этсинлар[15].

Амир Темур даври суд-хукуқ тизими қатъий қонунийлик ва адолат тамойилига асосланган.

Шарафиддин Али Яздий салтанатда бирор кимсага зўравонлик қилинмагани, ҳатто ёлғиз ўтаётган ёш болаларнинг молига ҳам бирор кўз олайтира олмайдиган даражада адолат ва қонун устуворлигига эришганлигини алоҳида таъкидлаб, унинг бош сабаби жиноятга бериладиган жазонинг муқаррарлигидан деб билмоқ керак, деб ёзади.

Унингча, агар Соҳибқирон қаттиққўл сиёsat юритмаса ва бебошларни жазоламаса мамлакатда тартиб ўрнатиб бўлмайди. Демак, зўравонликка қарши давлатнинг куч ишлатмоғи шартдир. Ана шундагина адолат ва қонун устуворлигига эришиш мумкин.

Шу ўринда Яздийнинг яна бир маълумотига мурожаат этмоқчимиз: «Мухаммад Музаффарнинг авлоди муддати эрдиким, бу вилоятларда подшоҳлик қилур эрдилар ва ҳар

бири бир шаҳарда ҳоким эрдилар. Ва хутба ва сиккани ўз отлариға ўқур эрдилар. Ва ҳар бирига даъво ул эрдиким, «Вилоятлар барча менга тааллуқ бўлгай». Ва бовужуд улким, бир-бирига қариндош эрдилар, доим бир-бирига қасд этиб, душман эрдилар. Ва агар бириким, бироннинг эликига тушса эрди, ани ё ўлдуруб, ё кўр қилур эрдилар; ато ўғул ва ўғул ато билан ўшал тариқ эдилар ва аларнинг жиҳатидин раъоят заҳматда эрди.

Бу маҳалдаким, вилоят Соҳибқирон тасарруфида бўлди, барча вилоятларнинг содот ва қазот ва арбоблари келиб, бу воқеъаларни арз қилди ва дедиларким «Умидимиз сиздан ултутурким, бу вилоятларда йана Оли Музффарни кўймағайсиз. Ва агар йана буларға бу вилоятларда дахл берсангиз, вилоят бузулур ва фақири мискин хароб бўлур». Бу жиҳатдин Соҳибқирон динпарвардин душанба куни, жумада ал-охир ойининг йигирма учидаги (6.03.1393) ҳукм бўлдиким, «Оли Музффарни тутуб беркитсунлар!»[16].

Шу тариқа адолатсизлик қарор топган бу ўлкада ҳам қонун устуворлиги таъминланади.

Соҳибқирон Амир Темур «Тузуклар»да “Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашишга ҳеч кимсаннинг курби етмасди”[17], деб ўз салтанатида ўрнатилган адолат ва қонун устуворлиги ҳақида алоҳида таъкидлаган.

У қонун устуворлиги ва адолатни тарозининг икки палласидай мувозанатда тутишга интилди. Амир Темур ўз амирлари, амалдорларидан буйруқлар бажарилишида халқни камситмасликни талаб қилди.

Амир Темур давлатида ўғрилик, зўравонлик, шароб ичиш, зино ва бошқа жиноятлар учун энг оғир жазолар тайинланган. Академик олим И. Мўминов ҳам бу ҳақда шундай таъкидлаб ўтган: “Соҳибқирон ёзишмаларидан англанишича, салтанатда вакти-вақти билан сўроқ ва тафтишлар ўтказиб турилган. Ўз амалини суистеъмол қилиш, порахўрлик, ичкиликбозлик, майший бузуқлик оғир гуноҳ ҳисобланиб бунга йўл қўйган кишилар қаттиқ жазоланган”[18].

Шубҳали ва нияти бузуқ кишиларнинг айблашлари ҳамда тухматлар билан фуқароларга жазо бериш қозиларга қатъийян ман этилган эди.

Аммо, бирор шахснинг гуноҳи тўртта далил билан исбот қилинса, у кишига қилган айбига қараб жазо берилар ёки жарима солинарди[19].

Жазо беришда шошма-шошарликка йўл қўйилмаслиги, фуқаролар ноҳақ жазога тортилмаслиги шартлиги ҳақида Темур тузукларида алоҳида таъкидлаб ўтилган: “Салтанат саройининг ишончли ва эътиборли кишилари бўлмиш вазирлар хусусида шундай буйруқ бердим: агар салтанат ишларида улар хиёнат этсалар салтанатни ағдаришга жазм қилган бўлсалар ҳам, уларни ўлдиришга шошилмасинлар. Авваламбор, уларни айловчви ва хабар етказгучиларнинг кимлигини текшириб кўрсинлар. Қораловчилар даъволарининг рост-ёлғонлиги ва уларнинг тўғри сўзлигини маҳак тоши[20]га уриб синаб кўрсинлар.

Чунки кўп ҳолларда ҳасадчилар ва ғийбатчилар ниятларини амалга ошириш учун ёлғон тўқиб, уни чиндай қилиб кўрсатадилар. Талайгина пасткаш, разил одамлар борки, давлат душманларини яхшилаб, давлат жонфидойиларини хийлагарлик ва маккорлик билан хароб қиласидилар. Макруу сотқинлик билан салтанат қўрғонига путур еткизмоқ пайда бўладилар”.

Чунончи, амир Ҳусайн вазирларимдан бири билан тил бириктириб, унга бойлик ваъда қилган ҳолда, давлатимнинг таянчларидан бўлмиш амир Ики Темур ва амир Жокуни менга қарши қайрашни буюрган. Унинг шум ниятидан огоҳ бўлдим ва менга улар ҳақида айтилган гапларга қулоқ солмадим[21].

Амир Темур ўзи чиқарган ҳукм, бошқа фармон ва бошқа фармойишларни ўзгартирмас эди. Бу ўша давр одамлари учун олтин қоидага айлантирилганди. У шундай таъкидлаган: “Амр қилдимки, ҳар ҳукм ва ҳар сўзки, ҳар бобда мендан содир бўлса ундан қайтиб, ўзгартирмас эдим.

Агар амирлар ва вазирлардан ҳар киши уни ўзгартирса, сиёsat қилар эдим. Нединким, мендан сўнг подшохларнинг ҳукми ва сўзи шу тариқа қатъий бўлсин”[22].

Амир Темур ҳаёти давомида турли-туман инсонларга кўп дуч келган ва жиноятларни ўз вақтида, тезкорлик билан ва адашмасдан очишга ва айбдорларни жазолашга ҳаракат қилган.

“Биринчи ҳақни жойига қарор топтирган ишим шу бўлдики, Ироқ мулкида тайин этган вазирларимдан Азиз отли вазирга ҳасадчи ва ғаразли кишилар бир қатор иғво ва бўхтон битиб, унинг хужжатини менга келтирдилар ва арз этдиларки, Азиз вазир зулм кўрсатиб, раият ва савдогарлардан жабр билан олтин олганмиш. Уни хузуримга чақиришга ҳукм этдим, яна қўнглимга шу фикр келдики, маълумот берганларни ҳам чақирсан деб. Улар ҳозир бўлгач, Азизни жазолашга ҳукм этдим, аммо фикру мулоҳаза қилиб кўриб, ариза битувчиларни қайтадан сўроққа тутдим.

Шунда уларнинг тиллари айланмай қолди. Кейинги куни икки тарафни юзма-юз қилдим. Шу билан Азиз вазир ростлик юзасидан улардан ғолиб келиб, ҳақиқат юзага чиқди. Шундан сўнг иғвогарларни жазосини бериб, ноҳақ иш қилмаганимга худога шукур қилдим”, деб таъкидлайди Амир Темур[23].

Бағдодда эканлигига Амир Темур хузурига уч оқсоқол одам келиб бир савдогар устидан арз қиласидилар. Улардан бири бир савдогарда моли борлиги, аммо у жабр-зулм қилиб молини қайтариб бермаётганини айтди. Икки оқсоқол уларга гувоҳлик берди. Қози уни чақиришиб, ўша икки қария гувоҳликка ўтганларидан кейин молни қайтариб беришга ҳукм қилди. Амир Темур бу ишдан шубҳаланди ва уларни қайта сўроқ қилиб, асл ҳақиқатнинг тагига етади. У оқсоқол иккита гувоҳни тил бириктириб олиб келган экан.

Ҳақ жойига қарор топгач, уч оқсоқол жазоланади ва шариат қозиларига Ироқи Араб аҳлининг гувоҳлигини қабул қилмаслик шарти қўйилади.

Тарихий манбаларда бу каби маълумотлар анча-мунча топилади.

Амир Темур жиноятчиларни тутишда дипломатик йўл ҳам қўллаган. Унинг ҳикоя қилишича, “Яна бир ҳукм чиқарган ишим шу эдики, саррофлардан (пул майдаловчи) бир жамоа келиб, менинг олдимда фарёд урдиларки, бир неча сандиқ жавоҳир ва безалган буюмлар тилла ва кумушни Истанбул Қайсаиясига қўйган эдик, уларни ўғри олиб кетибди ва қаёққа кетгани маълум эмас. Шу пайт бир хушқомат кимса эшиқдан кириб, бу молларни мен олиб кетгандим, деди. Шунда ноҳақдан тутиб олиб келиб сўроққа тутилаётган одамларни чакиртирдим. Мен бу маҳалла одамларини бўшатишга ҳукм этиб, келган кимсани мол эгасига топширдим. Шу билан мол эгалари қайтиб келиб яна фарёд этдиларки, ўша ўғри бизларни бир қудуқ бошига элтиб, у молларни шу ерга қўйгандим, деди ва белига бир ип боғлаб қудуққа тушиб ғойиб бўлди. Текшириб кўргач маълум бўлдики, тагидан тешик қазиган экан. Ўша еrostи йўлидан чиқиб бадар кетибди. Мен бу ўғрини мақтаб, бегуноҳларни халос этиб, ўз мардлигини билдириди, дедим. Мен уни олқишилаганимни эшитиб, бехосдан ўзи хузуримга келди ва мен уни сийлаб жиловимдаги паҳлавонлар сафидан ўрин бердим. У саррофларнинг молини тўлиғича қайтиб берди. Мен ўрнига мол бердим”[24].

Амир Темурнинг турли жиноятларни очишдаги закосини англаб, ҳақиқатни очиш, адолатни қарор топтириш қозилардан катта билим ва ҳушёрликни талаб қилганини англаш мумкин.

Салтанатда шариатга боғлиқ бўлмаган жиноятларга «Ясоқ» қонунлари бўйича жазо берилган[25].

Унга мувофиқ, Ўрта аср анъаналарига хос бўлган бармоқ, қўл, бурун, қулоқ кесиш, кўзга мил тортиб кўр қилиш, дарра ва қамчи билан уриш, сазойи қилиш каби жазо турлари қўлланилган.

Хилда Хукхэм “Ясоқ” қонунларига биноан содир этилган жиноятларга қаттиқ жазолар қўллангани, айниқса от ўғирлаган кимса жазодан қутулиш учун яна тўққизта от бериши шарт бўлгани, акс ҳолда у қатл этилгани ҳақида маълумотларни келтирган[26].

«Тузуклар»да «Ўғрилар хусусида буюрдимким, улар қаерда бўлмасин, тутиб олинса, Ясоқ бўйича жазолансин. Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар»[27].

Амир Темур карвон йўлларидаги хавфсизликни таъминлаш мақсадида турли қонунларни жорий этди. Карвон йўлларида агар кимгadir хужум қилиниб, унинг моли тортиб олинса, ўша ернинг ҳокими мол эгасига йўқотилган молнинг икки баробар миқдорида жарима тўлаган, шу ҳолатни назорат қила олмаганлиги туфайли Амир Темур хазинасига эса беш баробар миқдорда жарима тўлаган[28].

Ўрта аср удумларига асосан салтанатда турли жазо усуслари мавжуд бўлган.

Кўзни кўр қилиш жазоси «кўзга мил тортиш» деб аталган ва бу жазо жуводизга ўхшаш металдан ишланган асбоб (мил) орқали амалга оширилган. У қаттиқ қиздирилган ва кўзга суртилган[29].

Оғир жиноят содир этган кишилар дорга осилган ёки боши кесилган.

Тош-у тарозилар, маънавий гуноҳлар учун жазони ижро этувчи кишилар ихтисоб аҳли деб юритилган, уларга муҳтасиб бошчилик қилган.

Муҳтасиб берадиган жазо қўйидагича бўлган: муҳтасибнинг паҳлавон бир навкари мужрим (айбдор)ни опичган, иккинчиси унинг этгини кўтариб иштонини туширган, учинчиси орқасига раис айтган миқдорда дарра урган. Шундан кейин мужрим ўзини йиғишириб олиб муҳтасибга таъзим билан тавба қилиб, кўзини очиб қўйганлиги учун унга миннатдорчилик билдириган. Тавба ва миннатдорчилик муҳим шартлардан бўлиб, адо қилинмаган тақдирда жазони давом эттириш эҳтимоли бўлган[30].

Соҳибқирон Амир Темур давлатида мард, жасур, ишбилармон ва тадбиркор кишилар юкори даражада хурмат-эътиборда бўлган, жазо борасида ҳам уларга енгилликлар яратилган. Соҳибқирон айтадики, «Ботир кимсанинг гуноҳи исботлангандан кейин ундан жарима олсалар, сўнг яна дарра билан урмасинлар»[31].

«Тузуклар»да бирор кишининг айби исботланганда унга нисбатан фақат битта жазо чорасини қўллаш, агар жарима солинса, дарра билан урмаслик, дарра билан урилса жарима солмаслик, яъни, «бир жиноятга фақат бир жазо» тамойили мустаҳкамлаб қўйилган[32].

Мансабдорлар томонидан содир этилган маъмурий хуқуқбузарликлар ва жиноятларга жазо тайинлаш алоҳида назорат қилинган. Мансабдорлар томонидан содир этилган қилмиш турига – эҳтиётсизлик туфайлими ёки қасдан содир этилганлигига аҳамият берилган ва шунга яраша жазо тайинланган.

Агарда қишлоқ оқсоқоли ва шаҳар улуғлари кичикроқ даражадаги одамга зулм қиласалар, ўша зулмга яраша, ҳар кимнинг шароитига кўра жарима солинган, яъни, фуқароларнинг ижтимоий турмуш тарзи эътибордан четда қолмаган.

Агар доруға ва шаҳар ҳокими халққа жабр-зулм этса, уларни хонавайрон этса, бу қилмишига яраша аёвсиз жазоланган. Бу жазо оддий жаримадан тортиб, ўлим жазосигача бориб етган.

Давлат амалдорларининг қўпорувчилиги, пораҳўрлиги ва бошқа жиноятлари ҳам энг хавфли жиноятлардан ҳисобланган. Булар бугунги кундаги коррупция ва қўпорувчилик жиноят турига тўғри келади.

Бундай жиноятларни давлатга қарши қаратилган жиноятлар деб ҳисобланган ва уларга қаттиқ жазолар тайинланган. Давлатнинг мажбурлов функцияси уларни таг-томири билан йўқотиш, давлатдаги барқарорликни мувофиқлаштиришга қаратилган эди.

У хирож йиғувчи амалдорларга нисбатан шундай фикрда эди: Хирожни раиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балки огоҳлантириш ва қўрқитиши йўли билан ундирисинлар. Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири калтаклаш таъсиридан камроқ экан, ундай ҳоким ҳукумат юргизишига яроқсизdir[33].

Амир Темур «Адолат ва инсоғ билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳақоният юзасидан хукм чиқардим. Фуқаро ва қўй остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим. Золимга қарши мазлум додига етдим», деган эди.

Амир Темур фуқароларни қўрқинч ва умид орасида сақлаган, у буни зарурият деб билган эди. Бу эса, бизнингча, фуқароларнинг жамият ва қонун олдидағи хуқуқ ва бурчлари, мажбуриятлари, имкониятлари, чегаралари, уларни ҳимоя киладиган, жазолайдиган кучли

давлат турганлигини ҳар лаҳза эслатиб турган ва содир этаётган хатти-харакатларидағи масъулият, жавобгарлик ҳиссиётларини уйғотган. Бундан англашиладики, Амир Темур қонунлар ва унинг амалдаги ижросининг таъминланиши давлатнинг қудратли бўлишига хизмат қиласи, деб тушунган.

Ўрнатилган қонунларга, аввало, Амир Темурнинг ўзи амал қиласи, оила аъзоларидан ҳам шуни талаб этар эди. Агарда кимки қонунларга хилоф иш қиласа, оила аъзоси бўлган тақдирда ҳам қаттиқ жазоланган.

Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон Мирзо ботир, жасур, масъулиятли ва тадбиркор амирзода бўлиб, келажакда улуғ давлатга у хукмдор бўлиб қолиши мумкин эди. Аммо, унинг бир ноқонуний харакати барча режаларини чиппакка чиқарди. Халил Султон Мирзо амир Сайфиддиннинг канизаги бўлмиш Шодимулк оғога ношаръий уйланиб олганлиги туфайли, оғир жазога буюрилади. Кейинчалик у афв этилди, бироқ унинг адолатли иш юритишига ишонч қолмаган эди. Шу туфайли у ҳокимиятни бошқаришдан маҳрум этилди. Тарихдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Демак, бундай темир қонунлар, жазо усуллари давлат ва жамият ўртасидаги мутаносибликни таъминлаган.

Молия ишлари бўйича содир этилган жиноятлар шундай жазоланган:

1. Мамлакат хазиначилари бўлмиш молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб, бойликнинг бир қисмини ўзлаштириб олган бўлсалар, аввало текшириб кўриш талаб этилган;
2. Агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли улуфа микдорига тенг бўлса, мазкур маблағ унга совға-салом ўрнида берилган;
3. Агар ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортигини оладиган маошидан ушлаб қолинган;
4. Агар маошидан уч баробар кўп бўлса, салтанат хазинасига тортиқ сифатида олинган[34].

4. Хулоса:

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Амир Темур адолатсизлик, ҳуқуқбузарлик содир қилганлар учун жазо тайинлашда қонунчилик, адолат ва инсонпарварлик принципига асосланган ҳолда сиёsat юритганки, бу эса жамиятдаги бошқа шахсларни бундай салбий хатти-харакатларини содир этишдан тўхтатишга имкон берган[35].

Юқоридаги фикрлар, далиллар асосида хулоса қилиш мумкинки, Амир Темур даврида содир этилган жазо усулларида адолат қоидаларига қатъий амал қилинган. Уларда қонун устуворлиги, унинг барчага баробарлиги, давлатнинг куч-қудрати, бошқарувчилик маҳорати таъминланган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи таркибининг аниқ белгиланган вазифа ва йўналишлари бўлган.

Амир Темур даврида содир этилган жиноятлар ва уларга берилган жазо усулларини обдон ўргангандар Фарб олими Ҳерман Вамбери бу ҳақда шундай хулосага келган эди: “Темурни Чингиз ила бир сафга кўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари икки маротаба хатодир. У аввало Осиё саркардаси эди. Ўзининг голиб аскарлари ва куролларидан ўз замонасининг таомилича фойдаланган. Унинг фаолияти, хусусан, душманлари томонидан гуноҳ ҳисобланган ишлари ва урушлари теранроқ қаралса жиноятга жазо тарзида рўй берган. Тўғри жазо қаттиқ, лекин адолатли бўлган»[36].

Амир Темур салтанатининг суд-ҳуқуқ тизими қонунийлик ва адолат тамойилига асосланган бўлиб, давлатнинг мажбурлов кучини сақлаб туришда муҳим асос бўлиб хизмат қилган.

Иқтибослар/Сноски/ References:

-
- [1] Керен Л. Амир Темур салтанати / Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б. Эрматов. - Тошкент: Маънавият, 1999.
 [2] Manz Beatrice Forbes. The rise and rule of Tamerlane. - Cambridge University Press, 1989

- [3] Аҳмедов Б. Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати / Амир Темурни ёд этиб. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996
- [4] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. - Тошкент: Шарқ, 2000
- [5] Маматов Х.Т. “Темур тузуклари”да давлат ва хуқуқ масаласи: Юрид. фан. номз. ... дисс. - Тошкент: ИИВА, 2002.
- [6] Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви - Тошкент: Akademnashr, 2017.
- [7] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. - Тошкент: Шарқ, 2000. - Б.180-181.
- [8] Аҳмедов Б. Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати / Амир Темурни ёд этиб. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б.16
- [9] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн. ... - Б.453; Кароматов Х. Келтирилган асар ... - Б.506.
- [10] Темур тузуклари / Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. Сўзбоши ва изоҳлар, умумий таҳрир академик Б.Аҳмедовники. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. -Б. 125.
- [11] Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент, 1997. - Б. 172
- [12] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли, луғатлар А. Ўринбоевники. 2-жилдли. - Тошкент: Фан, 1969.-Б.455.
- [13] Хусайн Бойқаро. Рисола ... - Б. 21-22.
- [14] Навоий Алишер. Маҳбуб ул-кулуб. Асарлар XV томлик. - Тошкент: 1966. XIII . - Б.17.
- [15] Амир Темур Кўрагон. Темур қиссаси. Тошкент, Фан, 2004. -Б. 222-223.
- [16] Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... - Б. 154.
- [17] Мўминов И.М. Асарлар. Уч жилдлик.Т.: Фан, 1969. 1-жилд. - Б.434-435
- [18] Ўша жойда.
- [19] Р. Худойбердиева. Амир Темур даврида давлат бошқарувидаги қонунчилик ва тартибот. «Амир Темурнинг миллий давлатчилик сиёсати: тарих ва ҳозирги замон» мавзуидаги Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишлиланган илмий конференция материаллари // Тошкент: Фан, 2006. -Б. 193.
- [20] Маҳак тоши — кумуш ва олтиннинг тозалигини аниқлаб берадиган қора тусли тош (Ш.Ў.).
- [21] Темур тузуклари...-Б. 92.
- [22] Қиссаи Темур...-Б. 178.
- [23] Қиссаи Темур...-Б. 263.
- [24] Қиссаи Темур...-Б. 264.
- [25] Темур тузуклари ... - Б. 80.
- [26] Ҳукхэм Х. Властитель семи созвездий / Пер. с англ. Г.Хидоятова. – Ташкент: Адолат, 1995. - С. 165.
- [27] Темур тузуклари.-Тошкент, 1996.-Б.94.
- [28] Ҳукхэм Х. Властитель семи созвездий ... - С. 165.
- [29] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ... - Б. 457 .
- [30] Байқаро Хусайн. Рисола ... - Б. 35.
- [31] Темур тузуклари ... - Б. 94.
- [32] Маматов. “Темур тузуклари”да давлат ва хуқуқ масаласи ... - Б. 18.
- [33] Темур тузуклари ... - Б. 91.
- [34] Маматов. “Темур тузуклари”да ... - Б. 117 ; ёки қаранг: Темур тузуклари ... - Б. 94-98.
- [35] Ўша жойда.
- [36] Вамбери Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи / ТошкентFaфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1990. – Б. 18.

ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz**Олтиной Масалиевна Масалиева,**

Тарих фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
oltinoymasaliyeva@gmail.com**БУХОРО ХОНЛИГИДА ДЕВОН ТИЗИМИ**

For citation: Oltinoy M. Masalieva. DEVAN SYSTEM IN BUKHARA KHANATE. Look to the past. 2024, vol. 7, issue 5, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.000000000>**АННОТАЦИЯ**

XVI-XIX аср биринчи ярмидаги ўзбек давлатчилигининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан девон тизими яхлит ёритилмаган. Мазкур мақолада тарихий манбалар ва архив хужжатлари асосида Бухоро хонлигидаги девон тизимининг айрим жиҳатларини ёритишга харакат қилинди.

Таянч сўзлар: Бухоро хонлиги, девонбегии калон, мунши, арбоби дарун шаҳр, китобдор, баҳши, кичик мушриф, пайғирнавис, амлок мирзоси, воқеанавис, омборхона мирзоси, девони саркор мухаррири, девони калон, девони саркор, девони арабхона, амир сайсхонаси, тӯшаклар девони, девони маҳрам, девони ясовул, қози калон девони, қўшбеги девони.

Олтиной Масалиевна Масалиева,
кандидат исторических наук, доцентУзбекский государственный университет мировых языков
oltinoymasaliyeva@gmail.com**СИСТЕМА ДЕВАНА В БУХАРСКОМ ХАНСТВЕ****АННОТАЦИЯ**

Особенности узбекской государственности первой половины XVI-XIX веков, в частности, система диван, не были освещены целостно. В данной статье на основе исторических источников и архивных документов была предпринята попытка осветить некоторые аспекты системы диван в Бухарском ханстве.

Ключевые слова: Бухарское ханство, девонбегий калон, мунши, арбоби дарун шаҳр, китобдор, баҳши, малый мушриф, пайғирнавис, мирзо имущества, писатель событий, мирзо склада, редактор девона саркора, девон калона, девон саркора, девон арабханы, амир сайсхана, девон тушакхона, девон маҳрама, девон ясовула, девон кази калона, девон кошбеги.